

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ТОШПЎЛАТОВ БЕКЗОД УЛУҒМУРОДОВИЧ**

**ЧИЗЕЛ-КУЛТИВАТОРНИНГ ТЕХНОЛОГИК ИШ ЖАРАЁНИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ  
АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Тошпўлатов Бекзод Улуғмуродович**

Чизел-култиваторнинг технологик иш жараёнини такомиллаштириш ва  
параметрларини асослаш..... 3

**Тошпулатов Бекзод Улугмуродович**

Совершенствование технологического процесса работы и обоснование  
параметров чизель-культиватора..... 19

**Toshpulatov Bekzod Ulugmurodovich**

Development of the technological process of work and substantiation of the  
parameters of the chisel cultivator ..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works..... 39

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ТОШПЎЛАТОВ БЕКЗОД УЛУҒМУРОДОВИЧ**

**ЧИЗЕЛ-КУЛТИВАТОРНИНГ ТЕХНОЛОГИК ИШ ЖАРАЁНИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ  
АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Т327 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.uzmei.uz](http://www.uzmei.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тўхтақўзиев Абдусалим**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Маматов Фармон Муртозевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Абдурахмонов Абдукарим Атхамович**  
техника фанлари номзоди, к.и.х.

**Етакчи ташкилот:**

**«ВМКВ-Agromash» АЖ**

Диссертация ҳимояси Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 рақамли илмий кенгашининг 2020 йил « 5 » август соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: [qabulxona@uzmei.uz](mailto:qabulxona@uzmei.uz)).

Диссертация билан Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (439 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: [qabulxona@uzmei.uz](mailto:qabulxona@uzmei.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил « 27 » июл куни тарқатилди.  
(2020 йил « 27 » июл даги № 1/2020 рақамли реестр баённомаси).



**М.Т. Тошболтаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**А.А. Ибрагимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

**К.К. Нуриев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раисининг ўринбосари, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ерларга экишдан олдин ишлов берадиган энергия-ресурстежамкор, иш унуми ва сифати юқори бўлган машиналарни ишлаб чиқиш ва қўллаш етакчи ўринни эгаллайди. «Бугунги кунда дунё бўйича қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини экиш учун ҳар йили 1,8 млрд. гектар майдонга ишлов берилишини ҳисобга олсак»<sup>1</sup>, ерларга экишдан олдин ишлов беришда қўлланиладиган машиналар аввало энергияресурстежамкор, иш сифати ва унуми юқори бўлиши лозим. Шу жиҳатдан ерларга экишдан олдин ишлов беришда қўлланиладиган техника воситаларини илмий асосда такомиллаштириш муҳим масала ҳисобланади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалик экинларининг уруғларини экишдан олдин далаларни экишга тайёрлашнинг ресурстежамкор технологиялари ва уларни амалга оширадиган техника воситаларининг янги намуналарини яратиш, мавжудларини такомиллаштиришнинг илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқиш, иш жараёнида ресурстежамкорликни таъминлашга йўналтирилган мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, қишлоқ хўжалик экинларини илғор технологиялар асосида етиштириш ва юқори унумли қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, иш унуми юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан кенг фойдаланиш»<sup>2</sup> вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда, жумладан мавжуд чизел-култиваторларнинг материал ва энергияҳажмдорлигини камайтириш, уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳисобига ресурстежамкорликни таъминлаш, иш сифати ва унумини ошириш долзарб масала ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2694-сон «2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалиги машина-созлиги соҳасида илмий-техникавий базани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, 2019 йил 23 октябрдаги

<sup>1</sup> <http://www.fao.org/3/i1688r/i1688r03.pdf>; [http://evdemosfera.narod.ru/issl/issl/ek\\_zemlia.html](http://evdemosfera.narod.ru/issl/issl/ek_zemlia.html)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ПФ-5853 «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё амалиётида тупроққа экиш олдидан ишлов бериш жараёнлари самарадорлигини ошириш мақсадида турли қурилмалар ва техника воситалари ишлаб чиқилган. Улар конструкторлик бюрolarига янги машиналарни яратиш учун тавсия этилган.

Чизел-култиваторлар ва шу каби техника воситаларининг агротехник иш кўрсаткичлари ва иш унумини ошириш, энергияҳажмдорлигини камайтириш бўйича хорижда J.Va laton, Spoor Gordon (Германия), R.Blackstein, J.V. Stafford, A.Geiki (Англия), K.Araya, K.Kawanishi, R.Soucek, S.Anisch, S.Woif (АҚШ), И.М.Панов, Н.М.Орлов, Г.В.Плющев, Г.М.Прокопенко, В.А.Лим, Д.А.Тряпицин, В.И.Ветохин (Россия Федерацияси) ва бошқа олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ушбу йўналишда республикамизда тадқиқотлар Г.М.Рудаков, Р.И.Бойметов, Ф.М.Маматов, А.Тўхтақўзиев, И.Т.Эргашев, Б.С.Мирзаев, Қ.Б.Имомқулов, Х.Бегимов, М. Мирахматов, А.А.Насриддинов, Ф.У.Жўраев ва бошқалар томонидан бажарилган.

Бу тадқиқотлар натижасида яратилган тупроққа экиш олдидан ишлов бериш машиналари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян даражада ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилмоқда. Аммо, бу тадқиқотлар асосан тупроққа экиш олдидан ишлов бериш технологиялари ва техника воситаларини яратишга қаратилган бўлиб, уларда мавжуд чизел-култиваторларнинг энергияҳажмдорлигини камайтириш, агротехник иш кўрсаткичлари ва унумини ошириш йўналишларида такомиллаштириш масалалари етарли даражада ўрганилинмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ҚХА-3-001-2015 «Мавжуд чизел-култиваторларнинг иш кўрсаткичларини ошириш ва энергияҳажмдорлигини камайтириш йўналишларида такомиллаштириш асосида юқори қувватли тракторларга кенг қамровли чизел-култиватор ишлаб чиқишнинг илмий-техник ечимлари» (2015-2017) лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мавжуд чизел-култиваторларни техник ва технологик жиҳатдан такомиллаштириш ҳисобига ерларга экиш олдидан ишлов беришда иш сифати ва унумини ошириш ҳамда энергияҳажмдорликни камайтиришдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

мавжуд чизел-култиваторларнинг агротехник иш кўрсаткичлари ва унумини ошириш, материал ва энергияҳажмдорлигини камайтириш йўллари излаш ва таҳлил этиш, шу асосида такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг конструктив схемасини ишлаб чиқиш;

такомиллаштирилган чизел-култиватор иш органларининг тупроқ билан таъсирлашиш жараёнларини ифодаладиган ҳамда уларнинг параметрлари ва тортишга қаршилигини аниқлаш имконини берадиган аналитик боғланишларни олиш;

такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор ҳаракатини тадқиқ этиш;

такомиллаштирилган чизел-култиватор агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларини унинг иш органлари параметрлари, рамада жойлашиш схемалари ҳамда ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларини ўрганиш, уларни ифодаловчи регрессия тенгламаларини олиш;

такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг синовларини ўтказиш ва унинг иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида такомиллаштирилган чизел-култиватор ва унинг иш органлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** такомиллаштирилган чизел-култиватор иш органларининг тупроқ билан таъсирлашиш жараёнлари ва иш кўрсаткичларини уларнинг параметрлари ва ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида олий математика, назарий механика, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш ва тензометрия усуллари ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларда (ГОСТ 20915-11, TSt 63.03.2001, TSt 63.04.2001 ва РД Уз 63.03-98) белгиланган усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

чизел-култиваторларнинг агротехник иш кўрсаткичлари ва унумини ошириш ҳамда материал ва энергияҳажмдорлигини камайтириш йўналишларида такомиллаштирилган конструктив схемаси ишлаб чиқилган ва технологик иш жараёни асосланган;

такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг параметрларини аниқлаш имконини берадиган аналитик боғланишлар чиқарилган ва уларнинг ўзгариш чегаралари аниқланган;

такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор ҳаракати трактор осииш механизми ва чизел-култиватор осииш қурилмасининг параметрлари ва ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда ўрганилган ва баҳоланган;

олинган боғланишлар ва регрессия тенгламалари асосида такомиллаштирилган чизел-култиватор параметрларининг мақбул қийматлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тупроққа экиш олдидан ишлов беришда унга қатламлаб ишлов бериш ҳисобига иш сифати ва унуми юқори ҳамда кам энергия-материалҳажмдорликка эга такомиллаштирилган чизел-култиватор ишлаб чиқилган;

такомиллаштирилган чизел-култиватор параметрларининг мақбул қийматларида ерларни экишга тайёрлаш сифати яхшиланиши ва иш унумининг ортиши, меҳнат, энергия ва ресурс сарфларининг камайиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** изланишларнинг амалиётда кенг қўлланиб келинаётган самарали усуллар ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг параметрларини назарий жиҳатдан асослашда олий математика, назарий механиканинг асосий қонун ва қоидаларига амал қилинганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика усуллари билан ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро мослиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган чизел-култиватор дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ерларга экиш олдидан кам энергия сарфлаб сифатли ишлов берилишини таъминлайдиган такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг конструкцияси яратилганлиги ҳамда назарий ва амалий тадқиқотларда олинган натижаларни шунга ўхшаш бошқа машиналар ва иш органларининг параметрларини асослашда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган чизел-култиватор билан тупроққа агротехника талаблари даражасида сифатли ишлов берилиши, ёнилғи-мойлаш материаллари, меҳнат сарфи ва фойдаланиш харажатларини камайтиришга ва иш унумини оширишга эришилганлигидан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Республикаимиз тупроқ-иқлим шароитида тупроққа экишдан олдин ишлов беришда қўлланиладиган чизел-култиваторларни технологик иш жараёнини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

такомиллаштирилган чизел-култиваторга Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган («Тупроққа ишлов берувчи қурол», №FAP 01310-2016 й). Натижада иш сифати ва унуми юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор чизел-култиваторнинг конструктив схемасини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

такомиллаштирилган чизел-култиватор томонидан ерларга экишдан олдин ишлов бериш технологик жараёни бажарилишининг сифат кўрсаткичларини баҳолашга доир дастлабки талаблар ва унинг конструкциясини лойиҳалаш учун техник топшириқ ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 19 декабрдаги 02/023-4317-сон

маълумотномаси). Натижада дала юзасида майин тупроқ қатлами ҳосил бўлишини таъминлайдиган такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг тажриба нусхаси яратилган;

тупроққа экишдан олдин ишлов бериш учун ишлаб чиқилган чизел-култиваторнинг тажриба нусхалари Тошкент вилоятининг Янгийўл ва Қуйичирчиқ туманлари фермер хўжаликларига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 19 декабрдаги 02/023-4317-сон маълумотномаси). Натижада ерларга экиш олдида ишлов беришда ёнилғи сарфи 1,17-1,18 мартага ва фойдаланишдаги харажатлар 21-23 фоизга камайган;

ишлаб чиқилган такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг саноат нусхаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (техникавий шартлар ва чизмалар) «ВМКВ-Agromash» АЖ да лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 19 декабрдаги 02/023-4317-сон маълумотномаси). Натижада асосланган параметрларга эга такомиллаштирилган чизел-култиваторни ишлаб чиқариш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари жумладан, 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 1 та фойдали моделга патенти олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.


## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Масаланинг қўйилиши ва тадқиқот вазифалари**» деб номланган биринчи бобида республикамиз шароитида чигит ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини экиш олдида ерларга ишлов бериш технологиялари ва техника воситаларининг таҳлили ўтказилган, чизел-

култиваторга ва уларга кўйиладиган агротехника талаблари келтирилган, чизел-култиваторлар ва шунга ўхшаш тупроққа ишлов бериш машиналарининг агротехник иш кўрсаткичларини ошириш ҳамда материал ва энергияҳажмдорлигини камайтириш бўйича бажарилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил этилган, улар асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Ҳозирги даврда республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қўлланиб келинаётган чизел-култиваторлар бир қатор жиддий камчиликларга эга. Жумладан тупроққа қатламлаб ишлов бериш таъминланмайди, улар томонидан ишлов берилган қатлам тубида юмшатиб қолган бўйлама нотекистиклар (ўрқачлар) ҳосил бўлади, улар юқори материал ва энергияҳажмдорликка эга. Булар тупроққа етарли даражада сифатли ишлов берилмаслиги, иш унумини пасайиши, ёнилғи сарфи ва бошқа харажатларни ортишига олиб келади. Шулардан келиб чиққан ҳолда ўтказиладиган тадқиқотлар мавжуд чизел-култиваторларни техник ва технологик жиҳатдан такомиллаштириш ҳисобига ерларга экиш олдида ишлов беришда иш сифати ва унумини ошириш ҳамда энергия-ҳажмдорликни камайтиришга йўналтирилган.



1-рама; 2-юмшаткич панжа;  
3-ўқёйсимон панжа

**1-расм. Такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг конструктив схемаси**

Диссертациянинг «**Такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг конструктив схемасини ишлаб чиқиш ва параметрларини назарий асослаш**» деб номланган иккинчи бобида такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг конструктив схемаси, асосий параметрлари, иш органларининг рамада жойлашиш схемалари, уларни асослаш ва тортишга қаршилигини аниқлаш ҳамда ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор ҳаракатини таъминлаш бўйича олиб борилган назарий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.


Илмий-техник адабиётлар ва патент-информацион материалларнинг таҳлилари асосида такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг конструктив схемаси ишлаб чиқилди (1-расм).

Такомиллаштирилган чизел-култиваторда ҳам иш органлари ЧК-3,0 ва ЧКУ-4 чизел-култиваторларидек рамада уч қатор жойлаштирилган. Бунда биринчи ва иккинчи қатордаги иш органлари шахмат тартибида, иккинчи ва учинчи қатордаги иш органлари эса изма-из ўрнатилган. Бундан ташқари биринчи ва учинчи қатордаги иш органлари бир хил ишлов бериш

чуқурлигига, иккинчи қатордаги иш органлари эса уларга нисбатан саёз (кам) ишлов бериш чуқурлигига ўрнатилган. Натижада тупроққа тўлиқ қатламлаб ишлов берилиши таъминланади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, энергия-ҳажмдорликни камайтириш ҳамда ишлов берилган қатлам тубида ўрқачлар ҳосил бўлишини бартараф этиш мақсадида такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг биринчи қаторда жойлашган иш органлари юмшаткич панжа, иккинчи ва учинчи қатордаги иш органлари эса ўқёйсимон панжа кўринишида ишланган.

Қуйидагилар такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг асосий параметрлари ҳисобланади (2-расм):  $\alpha_{ю}, \alpha_{\bar{y}}$  – мос равишда юмшаткич ва ўқёйсимон панжаларнинг увалаш бурчаклари, градус;  $2\gamma_{\bar{y}}$  – ўқёйсимон панжа қанотларининг очилиш бурчаги, градус;  $2\gamma_{ю}$  – юмшаткич панжа тиғларининг очилиш бурчаги, градус;  $i_{ю}, i_{\bar{y}}$  – мос равишда юмшаткич ва ўқёйсимон панжалар тиғларининг ўткирланиш бурчаклари, градус;  $\delta_{ю}, \delta_{\bar{y}}$  – мос равишда юмшаткич ва ўқёйсимон панжалар тиғларининг қалинлиги, м;  $b_{ю}$  – юмшаткич панжанинг эни, м;  $l_{ю}$  – юмшаткич панжа ишчи сиртининг узунлиги, м;  $2b_{\bar{y}}$  – ўқёйсимон панжанинг қамраш кенглиги, м;  $a_k$  – иш органлари излари орасининг кенглиги, м;  $L_1$  – биринчи ва иккинчи қаторларда жойлашган иш органлари орасидаги бўйлама масофа, м;  $L_2$  – иккинчи ва учинчи қаторларда жойлашган иш органлари орасидаги бўйлама масофа, м;  $h_T$  – ўқёйсимон панжалар орасидаги тик масофа, м;  $t$  – иккинчи қаторда жойлашган иш органлари ишлов бериш чуқурлигини умумий ишлов бериш чуқурлигига нисбати.

**Юмшаткич ва ўқёйсимон панжаларнинг увалаш бурчаклари** ишлов берилаётган тупроқ палахсалари уларнинг ишчи сиртлари бўйлаб кўтарилиши ва силжишидан ҳосил бўладиган тортишга қаршилик кучи минимал қийматга эга бўлиши шартидан, ўқёйсимон панжа қанотларининг очилиш бурчаги ўқёйсимон панжа тиғлари томонидан бегона ўт илдизларини сирпаниб кесилиши шартидан,




2-расм. Такومиллаштирилган чизел-култиватор иш органларининг ўзаро жойлашиши ва асосий параметрлари

юмшаткич панжанинг эни ва ишчи сиртининг узунлиги у ишлов бераётган қатлам тубида деворлари зичланган эгат ҳосил бўлмаслиги шартидан; ўқёйсимон панжа қанотларининг қамраш кенглиги ишлов берилаётган палахсалар уларни таъсири остида горизонтал текислик бўйлаб парчаланиши шартидан, улар орасидаги тик масофа тупроқнинг бутун ишлов берилаётган қатлам бўйича сифатли уваланишини таъминлаш шартидан, юмшаткич ва ўқёйсимон панжалар изларининг кенглиги ишлов берилаётган қатлам тўлик юмшатилиши шартидан, биринчи ва иккинчи қаторларда жойлашган юмшаткич ва ўқёйсимон панжалар ҳамда иккинчи ва учинчи қаторларда жойлашган ўқёйсимон панжалар орасидаги бўйлама масофалар улар орасига тупроқ, ўсимлик қолдиқлари ва бегона ўтлар тиқилиб қолмаслиги шартларидан келиб чиққан ҳолда аниқланди ва қуйидаги натижаларга эга бўлинди: юмшаткич ва ўқёйсимон панжаларининг увалаш бурчаги 25-32° оралиғида, ўқёйсимон панжа қанотларининг очилиш бурчаги 50-60° оралиғида, қамраш кенглиги кўпи билан 20,4 см, юмшаткич панжанинг эни камида 5,6 см, ишчи сиртининг узунлиги камида 13,7 см, юмшаткич ва ўқёйсимон панжалар изларининг кенглиги кўпи билан 23,2 см, улар орасидаги бўйлама масофа камида 70 см бўлиши лозим.

Такомиллаштирилган чизел-култиватор белгиланган ишлов бериш чуқурлигига ботиб ишлаши ва шу чуқурликда барқарор ҳаракатланиши учун  $N_y > 0$  шарт бажарилиши лозим (бунда  $N_y$  – тупроқ томонидан чизел-култиваторнинг таянч ғилдиракларига таъсир этаётган умумий реакция кучи). 3-расмда келтирилган схемадан фойдаланиб қуйидагига эга бўлинди:

$$\begin{aligned}
 N_y = & \sqrt{1 + \mu^2} \times \\
 & \times \left\{ \left[ qBg + \left( \frac{B}{2a_k} + 1 \right) (K_{ю} + E_{ю} V^2) b_{ю} h \operatorname{tg} \psi_{ю} + \frac{B}{a_k} \eta (K_{\dot{y}} + E_{\dot{y}} V^2) b_{\dot{y}} h \operatorname{tg} \psi_{\dot{y}} \right] \Delta + \right. \\
 & + qBgl_2 - \left[ \left( \frac{B}{2a_k} + 1 \right) (K_{ю} + E_{ю} V^2) b_{ю} h + \frac{B}{a_k} \eta (K_{\dot{y}} + E_{\dot{y}} V^2) b_{\dot{y}} h \right] \Delta + \\
 & + \left. \left( \frac{B}{2a_k} + 1 \right) (K_{ю} + E_{ю} V^2) b_{ю} h \left\{ \left[ h_1 (\operatorname{ctg} \alpha_{ю} + \operatorname{ctg} \psi_{ю}) - l_1 \right] \operatorname{tg} \psi_{ю} - H_1 \right\} + \right. \\
 & + \frac{B}{a_k} \eta (K_{\dot{y}} + E_{\dot{y}} V^2) b_{\dot{y}} (mh) \left\{ \left[ L_1 + h_2 (\operatorname{ctg} \alpha_{\dot{y}} + \operatorname{ctg} \psi_{\dot{y}}) - l_1 \right] \operatorname{tg} \psi_{\dot{y}} - [H_1 - h(1-m)] \right\} + \\
 & + \left. \frac{B}{a_k} \eta (K_{\dot{y}} + E_{\dot{y}} V^2) b_{\dot{y}} h(1-m) \left\{ \left[ L_1 + l_2 + h_3 (\operatorname{ctg} \alpha_{\dot{y}} + \operatorname{ctg} \psi_{\dot{y}}) - l_1 \right] \operatorname{tg} \psi_{\dot{y}} - H_1 \right\} \right\} : \\
 & : \Delta - l_T + \mu \{ \Delta + H_1 - h - 0,5d_T \}; \quad (1)
 \end{aligned}$$

бунда 
$$\Delta = \frac{H_2 \sqrt{l_0^2 - (H_3 + h - H_1)^2} \left( \sqrt{l_0^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right)}{(H_2 - Z_B) \sqrt{l_0^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1) X_B};$$



3-расм. Такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг таянч ғилдирақларига таъсир этаётган умумий реакция кучини аниқлашга доир схема

$$E_{ю} = \rho \sin \alpha_{ю} \operatorname{tg}(\alpha_{ю} + \varphi_1) \left(1 + \frac{W}{100}\right);$$


$$E_{y} = \rho \frac{\sin^2 \gamma_{y} [\sin \alpha_{y} + \operatorname{tg} \varphi_1 \sin \gamma_{y} (\operatorname{ctg} \gamma_{y} + \cos \alpha_{y})]}{\operatorname{ctg} \alpha_{y} - \sin \gamma_{y} \operatorname{tg} \varphi_1} \left(1 + \frac{W}{100}\right);$$

$\mu$  – такмиллаштирилган чизел-култиватор таянч ғилдирақларининг думалашга қаршилик коэффиценти;  $q$  – такмиллаштирилган чизел-култиваторнинг ҳар бир метр қамраш кенглигига тўғри келадиган массаси, кг/м;  $B$  – такмиллаштирилган чизел-култиваторнинг қамраш кенглиги, м;  $g$  – эркин тушиш тезланиши, м/с<sup>2</sup>;  $K_{ю}$ ,  $K_{y}$  – мос равишда тупроқнинг юмшаткич ва ўқёйсимон панжаларга кўрсатадиган солиштирма қаршилиги, Па;  $V$  – ҳаракат тезлиги, м/с;  $h$  – ишлов бериш чуқурлиги, м;  $\eta$  – такмиллаштирилган чизел-култиваторнинг ўқёйсимон панжалари очик кесиш шароитида ишлашларини уларнинг тортишга қаршилигига таъсирини ҳисобга оладиган коэффицент;  $l_2$  – такмиллаштирилган чизел-култиваторнинг пастки осини нукталаридан унинг оғирлик марказигача бўлган горизонтал масофа, м;  $H_1$  – такмиллаштирилган чизел-култиваторнинг таянч текислигидан пастки осини нукталаригача бўлган тик масофа, м;  $H_2$  – такмиллаштирилган чизел-култиваторнинг пастки ва юқориги осини нукталари орасидаги тик масофа, м;  $H_3$  – трактор таянч текислигидан у осини механизми пастки тортқиларининг кўзғалмас шарнирлари  $A(A_1)$  гача бўлган тик масофа, м;  $l_1$  – такмиллаштирилган чизел-култиваторнинг пастки осини нукталаридан унинг биринчи қаторда жойлашган иш органлари, яъни юмшаткич панжаларнинг тиғигача бўлган бўйлама масофа, м;  $\psi_{ю}$ ,  $\psi_{y}$  – такмиллаштирилган чизел-култиваторнинг юмшаткич ва ўқёйсимон панжаларига таъсир этаётган  $R_{1xz}$ ,  $R_{2xz}$ ,  $R_{3xz}$

кучларнинг горизонтга нисбатан йўналиш (оғиш) бурчаклари, градус;  $R_{1xz}, R_{2xz}, R_{3xz}$  – мос равишда такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг биринчи, иккинчи ва учинчи қаторларда жойлашган иш органларига таъсир этаётган қаршилик кучларининг тенг таъсир этувчилари, Н;  $L_1, L_2$  – такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг иш органлари орасидаги бўйлама масофалар, м;  $l_T$  – такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг пастки осиш нуқталаридан у таянч ғилдиракларининг айланиш марказигача бўлган бўйлама масофа, м;  $d_T$  – такомиллаштирилган чизел-култиватор таянч ғилдиракларининг диаметри, м;  $l_\delta$  – трактор осиш механизми пастки тортқиларининг узунлиги, м;  $\rho$  – тупроқнинг зичлиги,  $\text{кг/м}^3$ ;  $W$  – тупроқнинг намлиги, %;  $\varphi_1$  – тупроқнинг ташқи ишқаланиш бурчаги, градус.

(1) ифодадан кўриниб турибдики, тупроқ томонидан такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг таянч ғилдиракларига таъсир этаётган умумий реакция кучи уларнинг жойлашган ўрни ва диаметри, чизел-култиваторнинг оғирлиги ва у қўйилган нуқта, чизел-култиватор ва у иш органларининг параметрлари, иш органларига таъсир этаётган кучлар ва уларнинг йўналишлари ҳамда қўйилган нуқталари, ишлов бериш чуқурлиги, чизел-култиваторнинг осиш қурилмаси ва трактор осиш механизмининг ўлчам ва параметрларига боғлиқ. Аммо трактор осиш механизмининг ўлчам ва параметрлари ҳамда чизел-култиватор осиш қурилмасининг пастки ва юқориги осиш нуқталари орасидаги масофа стандартлашганлиги ва трактор бўйича маълум эканлиги, чизел-култиватор ва у иш органларининг ўлчам ва параметрлари асосан у белгиланган технологик жараённи кам материал ва энергия сарфлаган ҳолда ишончли ва сифатли бажариши шартларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинишини ҳисобга оладиган бўлсак, такомиллаштирилган чизел-култиваторни белгиланган чуқурликка ботиб ишлаши ва шу чуқурликда барқарор юриши асосан унинг таянч текислигидан пастки осиш нуқталаригача бўлган тик масофа  $H_1$  ни ўзгартириш ҳисобига таъминланади.

$H_1$  нинг  $N_y > 0$  шарт бажарилишини таъминловчи қийматни аниқлаш учун (1) ифода бўйича  $N_y = f(H_1)$  график боғланиш қурилди (4-расм) ва такомиллаштирилган чизел-култиватор белгиланган чуқурликка ботиб



4-расм.  $N_y$  ни  $H_1$  га боғлиқ равишда ўзгариш графиги

ишлаши ва шу чуқурликда барқарор юриши учун унинг таянч текислигидан пастки осиш нуқталаригача бўлган тик масофа камида 46,8 см бўлиши лозимлиги аниқланди.

Такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг тортишга умумий қаршилиги у иш органларининг тортишга ва таянч ғилдиракларининг думалашга қаршиликларининг йиғиндисига тенг ва уни қуйидаги ифода бўйича аниқлаш мумкин:

$$R_y = \left(\frac{B}{2a_k} + 1\right)b_{ю}h(K_{ю} + E_{ю}V^2) + \frac{\eta B}{a_k}b_{y}h(K_{y} + E_{y}V^2) + \mu \frac{N_y}{\sqrt{1 + \mu^2}} \quad (2)$$

(1) ифодани ҳисобга олинганда (2) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар 1,7-2,2 м/с ҳаракат тезлигида такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг тортишга умумий қаршилиги 26,08-26,74 кН ни ташкил этишини курсатди.

Диссертациянинг «**Такомиллаштирилган чизел-култиватор параметрларини асослаш бўйича тажрибавий тадқиқотларнинг натижалари**» деб номланган учинчи бобида такомиллаштирилган чизел-култиватор параметрларининг кам энергия сарфлаган ҳолда тупроққа сифатли ҳамда агротехника талаблари бўйича ишлов берилишини таъминлайдиган мақбул қийматларини асослаш бўйича ўтказилган бир ва кўп омилли экспериментларнинг натижалари келтирилган.

Экспериментал тадқиқотларда махсус тайёрланган дала қурилмаси қўлланилиб такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг иккинчи қаторда жойлашган иш органларининг ишлов бериш чуқурлигини умумий ишлов бериш чуқурлигига нисбати, иш органлари излари орасининг кенглиги ва улар орасидаги бўйлама масофаларни ҳамда унинг таянч текислигидан осиш қурилмасининг пастки осиш нуқталаригача бўлган тик масофани ишлов бериш чуқурлиги, тупроқнинг уваланиш сифати, дала юзаси ва ишлов берилган қатлам тубида ҳосил бўладиган нотекисликларнинг баландликлари ва тортишга қаршиликка таъсири ўрганилди.

Ўтказилган бир омилли экспериментал тадқиқотларда такомиллаштирилган чизел-култиватор 6-8 км/соат тезликлар оралиғида кам энергия сарфлаб, тупроққа талаб даражасида ишлов бериши учун унинг иккинчи ва учинчи қаторда жойлашган иш органлари бир хил қалинликдаги тупроқ қатламига ишлов бериши, улар изларининг кенглиги 200-225 мм оралиғида, улар орасидаги кўндаланг масофа камида 700 мм бўлиши ва такомиллаштирилган чизел-култиватор белгиланган чуқурликка ботиб ишлаши ва шу чуқурликда барқарор ҳаракатланиши учун унинг таянч текислигидан пастки осиш нуқталаригача бўлган тик масофа 60-65 см оралиғида бўлиши лозимлиги аниқланди.

Такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг назарий ва бир омилли экспериментларда ўрганилган параметрларининг мақбул қийматларини аниқлаш учун Хартли-4 режаси бўйича кўп омилли экспериментлар ўтказилди. Бунда такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг иккинчи қаторда жойлашган иш органларининг ишлов бериш чуқурлигини умумий ишлов бериш чуқурлигига нисбати ( $X_1$ ), иш органлари излари орасининг кенглиги ( $X_2$ ), улар орасидаги бўйлама масофа ( $X_3$ ) ҳамда ҳаракат тезлиги ( $X_4$ ) унинг сифат ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар сифатида танлаб олинди.

Кўп омилли экспериментларни ўтказишда баҳолаш мезони сифатида тупроқнинг уваланиш даражаси, яъни ўлчами 50 мм дан кичик бўлган фракциялар миқдори, дала юзаси ва ишлов берилган қатлам тубида ҳосил

бўлган нотекисликларнинг баландликлари ҳамда тортишга солиштирма қаршилиқ қабул қилинди.

Тажрибаларда олинган маълумотларга институтнинг тажриба-синов бўлимида ишлаб чиқилган «PLANEXP» дастури бўйича ишлов берилди. Бунда дисперсиянинг бир хиллигини баҳолашда Кохрен критериясидан, регрессия коэффицентларининг қийматини баҳолашда Стъудент критериясидан, регрессион моделларнинг адекватлигини баҳолашда Фишер критериясидан фойдаланилди.

Тажриба натижаларига кўрсатилган тартибда ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодаловчи қуйидаги регрессия тенгламалари олинди:

- тупроқнинг уваланиш даражаси бўйича (%)

$$Y_1 = 88,518 + 1,843X_1 + 2,640X_2 + 1,545X_3 + 2,412X_4 - 6,926X_1^2 - 0,940X_1X_2 - 0,686X_1X_3 - 1,868X_2 - 1,879X_2X_3 - 1,131X_3^2 - 1,679X_3X_4; \quad (3)$$

- дала юзасида ҳосил бўладиган нотекисликларнинг баландликлари бўйича (см)

$$Y_2 = 4,151 + 0,659X_1 + 0,947X_2 + 0,115X_3 - 0,224X_4 + 0,226X_1^2 - 0,048X_1X_2 - 0,045X_1X_3 + 0,043X_1X_4 - 0,319X_3^2 - 0,067X_3X_4; \quad (4)$$

- ишлов берилган қатлам тубида ҳосил бўладиган нотекисликларнинг баландликлари бўйича (см)

$$Y_3 = 3,749 + 0,395X_1 + 1,225X_2 + 0,110X_3 + 0,220X_4 + 0,037X_1^2 + 0,188X_1X_2 - 0,090X_1X_3 - 0,037X_1X_4 - 0,113X_2^2 - 0,092X_2X_3 - 0,037X_2X_4 - 0,282X_3^2 - 0,245X_3X_4 + 0,038X_4^2; \quad (5)$$

- такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг тортишга солиштирма қаршилиги бўйича (кН/м)

$$Y_4 = 6,299 - 0,112X_1 + 0,072X_2 - 0,147X_3 + 0,385X_4 + 0,716X_1^2 - 0,025X_1X_2 - 0,050X_1X_3 - 0,096X_1X_4 - 0,124X_2^2 - 0,086X_2X_3 - 0,040X_2X_4 - 0,089X_3^2 - 0,076X_3X_4 + 0,109X_4^2. \quad (6)$$

Ушбу олинган регрессия тенгламалари таҳлилидан кўриниб турибдики, барча омиллар баҳолаш мезонларига сезиларли таъсир кўрсатган.

(3)-(6) регрессия тенгламалари  $Y_1$  мезон 85 фоиздан юқори,  $Y_2$  ва  $Y_3$  мезонлар 5 см дан кичик ҳамда  $Y_4$  мезон минимал қийматга эга бўлиш шартларидан биргаликда ечилиб, 6-8 км/соат ҳаракат тезлиги оралиғида омилларнинг ушбу шартларнинг бажарилишини таъминловчи қуйидаги мақбул қийматлари аниқланди: иккинчи қаторда жойлашган иш органларининг ишлов бериш чуқурлигини умумий ишлов бериш чуқурлигига нисбати 0,51-0,55, иш органлари изларининг кенглиги 190-200 мм, иш органлари орасидаги бўйлама масофа 69-70 см. Омилларнинг ушбу мақбул қийматларида тупроқнинг уваланиш даражаси 87,2-89,7 фоизни, дала юзасида ҳосил бўлган нотекисликларнинг баландлиги 3,8-3,9 смни, ишлов берилган қатлам тубида ҳосил бўлган нотекисликларнинг баландлиги 3,1-3,7 см ни ҳамда такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг тортишга солиштирма қаршилиги 5,9-6,4 кН/м ни ташкил этади.

Диссертациянинг «**Такмиллаштирилган чизел-култиватор тажриба нусхаси синовларининг натижалари ва иқтисодий кўрсаткичлари**» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқилган такомиллаштирилган чизел-култиватор тажриба нусхасининг қисқача техник тавсифи, дала синовлари натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Синовларда ишлаб чиқилган такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг тажриба нусхаси белгиланган жараёни ишончли бажарди ва унинг иш кўрсаткичлари унга қўйилган талабларга тўлиқ мос бўлди.

Ўтказилган техник-иқтисодий ҳисоблар шуни кўрсатадики, ишлаб чиқилган такомиллаштирилган чизел-култиватор ерларга экиш олдида ишлов беришда қўлланилганда меҳнат сарфи 13,46 фоизга ва эксплуатацион харажатлар 16,86 фоизга камаяди. Бунда йиллик иқтисодий самара такомиллаштирилган чизел-култиваторга 12217674,24 сўмни ташкил этади.

## ХУЛОСА

«Чизел-култиваторнинг технологик иш жараёнини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ҳозирги даврда республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қўлланиб келинаётган чизел-култиваторлар юқори материал ва энергияҳажмдорликка эга, улар томонидан тупроққа қатламлаб ишлов бериш таъминланмайди ҳамда ишлов берилган қатлам тубида юмшатилмайд қолган бўйлама нотекисликлар ҳосил бўлади, улар. Булар тупроққа етарли даражада сифатли ишлов берилмаслиги, иш унумини пасайиши, ёнилғи сарфи ва бошқа харажатларни ортишига олиб келади. Шу сабабдан уларни техник ва технологик жиҳатдан такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади.

2. Ўтказилган назарий тадқиқотлар натижасида такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг конструктив схемаси ишлаб чиқилди ва технологик жараёни асосланди, унинг юмшаткич ва ўқёйсимон панжалари ҳамда уларнинг рамада жойлашиш параметрлари ва тортишга қаршилигини аниқлаш учун аналитик ифодалар ва ишлов бериш чуқурлиги бўйича бир текис юришини ифодалайдиган боғланишлар олинган.

3. Тупроққа тўлиқ қатламлаб ишлов берилишини таъминлаш учун такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг биринчи ва иккинчи қаторлардаги иш органлари шахмат тартибида, иккинчи ва учинчи қаторлардаги иш органлари эса изма-из ва бунда биринчи ва учинчи қаторларда жойлашган иш органлари бир хил ишлов бериш чуқурлигига, иккинчи қатордаги иш органлари эса уларга нисбатан саёз(кам) ишлов бериш чуқурлигига ўрнатилиши керак. Шу билан биргаликда такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг биринчи қаторда жойлаштирилган иш органлари икки ёнли пона, яъни юмшаткич панжа кўринишида, иккинчи ва учинчи қаторларда жойлашган иш органлари эса уч ёнли пона, яъни ўқёйсимон панжа

кўринишида ишланиши лозим.

4. Тупроққа минимал энергия сарфлаб талаб даражасида сифатли ишлов берилишини таъминлаш учун такомиллаштирилган чизел-култиватор юмшаткич ва ўқёйсимон панжаларининг увалаш бурчаги 25-32°, ўқёйсимон панжалари қанотларининг очилиш бурчаги 50-60° оралиқларида, қамров кенглиги 20,4 см, юмшаткич панжаларининг эни 5,6 см, ишчи сиртининг узунлиги камида 13,7 см, юмшаткич ва ўқёйсимон панжалар излари оралиғининг кенглиги 190-200 мм, улар орасидаги бўйлама масофа 69-70 см, иккинчи қаторда жойлашган иш органларининг ишлов бериш чуқурлигини умумий ишлов бериш чуқурлигига нисбати 0,51-0,55 оралиғида бўлиши лозим.

5. Ишлаб чиқилган чизел-култиватор белгиланган ишлов бериш чуқурлигига ботиши ва шу чуқурликда барқарор ҳаракат қилиши учун унинг таянч текислигидан пастки осиш нуқтасигача бўлган тик масофа 60-65 см оралиғида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

6. Такومиллаштирилган чизел-култиватор амалдаги ЧКУ-4А-II чизел-култиваторига нисбатан тупроққа сифатли ишлов берилишини таъминлайди, яъни у билан ишлов берилганда ўлчами 50 мм дан кичик фракциялар миқдори 9,4-12,6 фоизга ортган, ўлчами 100 мм дан катта бўлган фракциялар миқдори эса 6,0-4,9 фоизга камайган, дала юзаси ва ишлов берилган қатлам тубида ҳосил бўлган нотекисликларнинг баландлиги, мос равишда, 0,8-1,0 ва 2,8-3,0 см га камайган.

7. Ишлаб чиқилган такомиллаштирилган чизел-култиватор ерларга экиш олдида ишлов беришда қўлланилганда меҳнат сарфи 13,46 фоизга ва эксплуатацион харажатлар эса 16,86 фоизга камаяди. Бунда йиллик иқтисодий самара такомиллаштирилган чизел-култиваторга 12217674,24 сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 05/13.05.2020.Т.112.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ТОШПУЛАТОВ БЕКЗОД УЛУГМУРОДОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ПРОЦЕССА  
РАБОТЫ И ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ ЧИЗЕЛЬ-  
КУЛЬТИВАТОРА**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация  
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Гульбахор – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.3.PhD/Т327.**

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: [www.uzmei.uz](http://www.uzmei.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Тухтакузиев Абдусалим**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Маматов Фармон Муртозевич**  
доктор технических наук, профессор

**Абдурахманов Абдукарим Атхамович**  
кандидат технических наук, с.н.с.

**Ведущая организация:**

**АО «ВМКВ-Agromash»**

Защита диссертации состоится « 27 » июля 2020 г. в 15:00 часов на заседании Научного совета PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 при Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства (Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, пос. Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 439). Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, пос. Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz.

Автореферат диссертации разослан « 27 » июля 2020 года  
(Протокол рассылки № 1/2020 от « 27 » июля 2020 года)



**М.Т. Тошболтаев**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**А.А. Ибрагимов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

**К.К. Нуриев**  
Заместитель председателя научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время в мире ведущее место занимает разработка и внедрение энерго-ресурсосберегающих и высокопроизводительных машин для предпосевной обработки почвы. «Если учесть, что на сегодняшний день в мире площадь земель, обрабатываемых перед севом семян сельскохозяйственных культур, составляет 1,8 млрд. гектаров»<sup>1</sup>, то машины, применяемые при предпосевной обработке почвы, должны быть энерго-ресурсосберегающими, с высоким качеством работы и производительностью. В этом отношении усовершенствование технических средств, применяемых при предпосевной обработке почвы, на научной основе считается важной задачей.

В мире ведутся целевые научно-исследовательские работы, направленные на создание ресурсосберегающих технологий подготовки полей к севу и новых образцов технических средств для их осуществления, разработку научно-технических основ усовершенствования существующих технических средств, обеспечивающих ресурсосбережение в процессе работы.

В сельскохозяйственном производстве республики особое внимание уделяется снижению затрат труда и энергии, возделыванию сельскохозяйственных культур на основе передовых технологий и разработкам высокопроизводительных сельскохозяйственных машин. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы намечены задачи, в частности, «...модернизация и интенсивное развитие сельского хозяйства, дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов, широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий, использование высокопроизводительной сельскохозяйственной техники»<sup>2</sup>. При выполнении этих задач, в частности важным вопросом является повышение агротехнических показателей существующих чизель-культиваторов, снижение материало- и энергоемкости, обеспечение ресурсосбережения, повышение эффективности и качества работ за счет их технической и технологической модернизации.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан» и Постановлениях ПП-2694 от 23 декабря 2016 года «О мерах дальнейшего реформирования и развития научно-технической базы сельского хозяйства в период 2016-2020 гг.», ПП-3117 от 7 июля 2017 года «О мерах дальнейшего развития научно-технической базы машиностроительной отрасли в сельском хозяйстве», а также в других нормативно-правовых

---

<sup>1</sup> <http://www.nrcs.usda.gov>, <http://cropwatch.unl.edu/tillage/ridge>; <https://www.moluch.ru>, <https://www.zerno-ua.com>.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан»

документах принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** В мировой практике с целью повышения эффективности процесса предпосевной обработки почвы разработаны различные орудия и технические средства. Они были рекомендованы конструкторским бюро для создания новых машин.

